

Фузайл ибн Йёзнинг йиғиси



08:11 / 29.04.2020 1744

Иброҳим ибн Ашъасдан ривоят қилинади: «Фузайл билан бир жанозага бордик. У тинмай панд-насиҳат қилар, охиратни эслатаётиб эса ўзи йиғлаб юборар эди. У гўё шу топда атрофидагилар билан хайрлашиб, охиратга сафар қилаётгандек эди. Қабристонга етиб келгач, у ерга ўтириб, ўзини худди ўликлар орасида ўтиргандек ҳис қилиб, маҳзун бўлиб йиғлади. То ўрнидан турганича йиғлашда давом этди. У худди охиратдан у ҳақида хабар берилган кишидек эди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан